

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Санитария гигиена Касб кассаликлари
Илмий Тадкикот Институтини даволаш буйича
Директор уринбосари
М.А.Хамракулова



«21» _____ феврал 2022йил

Клиникада даволанаётган беморларга пархез овкат тайёрлаб
бериш хизмати буйича
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Тошкент- 2022

1-боб. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Танловнинг тадбиқ этилиш доираси

Ушбу танлов ҳужжатлари Ўзбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тугрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ҳамда Санитария гигиена Қасб кассаликлари ИТИ клиникасида даволанаётган беморларга иссиқ оват тайёрлаб бериш хизматини буйича хизмат курсатиш учун ижрочиларни танлаб олиш буйича Танловни утказиш ва унда ижрочиларнинг қатнашиш тартибини белгилайди.

Буюртмачи: Санитария гигиена Қасб кассаликлари ИТИ (қелгусида матн буйича “Буюртмачи”).

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Олтин тепа 325 Телефон: 71 2666953, факс: (71)266 69 53

E-mail: -

1.2. Танловнинг номланиши: Клиникада даволанаётган беморларга пархез оват тайёрлаб бериш аутсорсинг хизмати

1.3. Танлов валютаси: Ўзбекистан Республикаси миллий валютаси - сум.

Тулов шартлари: Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 16 мартдаги № 139 сонли Қарорига асосан курсатилган хизмат буйича туловлар қуйидагича амалга оширилади:

Хизмат курсатиш буйича утказилган танлов голиби билан тузилган шартнома баҳосининг Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори 5 банк қунида:

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат буйича бажарилган ишлар учун тузилган қисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш- қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк қуни мобайнида.

1.4. Хизмат курсатиш шартлари: хизмат курсатиш учун зарур барча жиҳозлар, буюмлар ва бошқа товар-моддий бойликларини Буюртмачи ҳудудига етказиш, ташиб келтириш билан боғлиқ тадбирлар Ижрочи ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Мақамасининг 2020 йил 10 январдаги №16- сонли «Ўзбекистан Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларида аутсорсинг хизматларини курсатиш тугрисида» Қарор, ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 19 мартдаги №122 сонли “Даволаш профилактика муассасаларида пархез оватланишни ташкил этиш” тугрисидаги буйруғи талаблари тулик инobatга олингшан ҳолда амалга оширилади.

1.5. Танловда қатнашиш учун таклифлар бериш тили: танлов Қатнашчиси томонидан ишлаб чиқилган ва Буюртмачи манзилига тақдим этилган танлов таклифлари ва ушбу таклифлар билан боғлиқ бошқа барча ҳужжатлар давлат тилида ёки истисно тарикасида рус тилида ёзилган бўлиши лозим.

1.6. Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш танлов тўғрисида берилган эълон тугаши муддатида тухтатилади.

1.7. Хизмат буйича ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва Ижрочи уртасида имзоланган шартнома имзоланган санадан бошлаб 2022 йил 31 декабригача бўлган мобайнида.

1.8. Молиялаштириш манбаси: бюджет маблағлаоли

1.10. Қушимча маълумотлар.

Танлов ҳужжатлари ва танловда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган бошқа қушимча маълумотлар учун танловни утказиш ҳақида берилган эълон муддати тугашига уч қун қолган муддатгача Буюртмачига мурожаат этиш мумкин.

Курсатилган хизмат, шу жумладан ушбу хизмат буйича ишлаб чиқилган барча ҳужжатлар, Ўзбекистан Республикасининг шу қаби хизматлар учун белгиланган қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

2-боб. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

Танлов -хизмат тури булиб (Клиникада даволанаётган беморларга пархез овкат тайёрлаб бериш хизмати), бунда ушбу хизматни курсатиш буйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи голиб хисобланади.

Танловни утказиш хакидаги маълумот давлат буюртмачиси томонидан Танловни утказиш хакидаги эълон ва танлов хужжатларини махсус ахборот порталида жойлаштириш оркали чегараланмаган микдордаги кишиларга етказилади.

Давлат буюртмачиси - давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс.

Давлат хариди - давлат буюртмачиларн томонидан товарларни (ишлар, хизматларни) 'гулов оркали харид килиш;

Давлат харидлари субъектлари - давлат буюртмачиси, харид тadbирлари иштирокчиси, давлат харидларини етказиб берувчи, харид комиссияси, махсус ахборот портали оператори ва эксперт;

Харид комиссияси - конкурсни утказиш учун Буюртмачининг ходимларида таркиби беш кишидан кам булмаган комиссия тузилади. Эълон килинган хизматни курсатиш буйича энг яхши таклифлар комиссия томонидан иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш меъзонлари асосида аникланади.

Давлат харидлари тугрисидаги шартнома - аутсорсинг хизмат курсатишнинг тартиби, аутсорсинг хизмат курсатиш буйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари узгариши ёки тугатилиши хакида Давлат буюртмачиси ва Ижрочи уртасидаги келишув тугрисидаги хужжат.

Махсус ахборот портали - эълонларни электрон шаклда жойлаштириш ва куриб чиқиш имконини яратувчи техник хизмат курсатишни таъминловчи операторнинг вебсайта ва махсус электрон платформаси. Комиссия иши натижаларига кура Буюртмачи томонидан комиссия мажлиси баённомаси тузилади, баённомада утказилган танлов ва танлов голиби хакида маълумотлар келтирилади..

Махсус ахборот портали оператори томонидан танлов хакидаги эълон порталда жойлаштирилган кундан бошлаб камида 5 иш кун муддатда ушбу эълон буйича ишлар тухтатилади.

Махсус ахборот портали оператори - харидларни ташкиллаштириш ва утказиш билан боғлиқ тadbирлар ва уларнинг яқунлари хакидаги маълумотларни махсус ахборот порталида эълонлар, талабномалар ва бошка хужжатларни жойлаштириш оркали давлат харидлари субъектларига хизмат курсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

Харид тadbирлари - давлат харидлари буйича ишлар (харакатлар) мажмуи;

Эълон - режалаштирилган давлат харидлари тугрисидаги харидларни амалга ошириш усуллари, харидлар шартлари, харидларга куйилган талаблар, ушбу харидлар буйича таклифларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари ва бошка маълумотларни махсус ахборот порталида жойлаштириш.